



## **VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ** (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 38227 тани ташкил қилиб, шундан 32534 таси ёки 85,1 % фаолият кўрсатмоқда.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 9200 та (24,1 %), саноатда 7433 та (19,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 4163 та (10,9 %) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3053 та (8,0 %) соҳаларига тўғри келади.




**2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>
<b>Жами</b>	<b>38227</b>	<b>100</b>	<b>32534</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмонвабалиқ хўжалиги	4163	10,9	3519	10,8
саноат	7433	19,4	6328	19,5
қурилиш	2934	7,7	2444	7,5
савдо	9200	24,1	7581	23,3
ташиш ва сақлаш	1309	3,4	1115	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3053	8,0	2440	7,5
ахборот ва алоқа	527	1,4	378	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	605	1,6	562	1,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	9003	23,6	8167	25,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 90,9 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 21,7 % хусусий корхоналар, 3,0 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 % акциядорлик жамиятлари ва 75,2 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг  
мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши**  
(январь-март, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)



2019 йил январь-мартда жами 2942 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2856 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,0 %), Қибрай (8,5 %), Тошкент (8,0 %), Ўртачирчиқ (5,7 %), Бўстонлик (4,8 %) ва Юқоричирчиқ (3,9 %) туманлари ҳамда Ангрэн (7,3 %), Чирчиқ (5,3 %) шаҳарларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 40,3 % савдо, 21,1 % саноат ва 9,1 % қурилиш соҳаларига тўғри келади.




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари кесимидаги сони, бирликда**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Ҳисобот даврида 216 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 65 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 30,1 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2019 йил 1 апрель ҳолатига 32,5 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 22,1 мингта, хусусий корхона – 7,5 мингта, оилавий корхона – 2,1 мингта, бошқа тижорат корхоналари - 0,8 минг тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижрат корхоналарининг  
ташкилий ҳуқуқий шакллари**  
( январь-март жамига нисбатан %да)




2019 йилнинг январь-март ойларида жами 2,9 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 2,9 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,1 %), Қибрай (8,7 %) ва Тошкент (8,2 %) туманлари ҳамда Ангрэн (7,4 %) шаҳрига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 41,5 % савдо, 21,7 % саноат, 9,4% қурилиш ва 9,1% яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 166 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 63 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 38,0 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.


**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** 2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 913 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 282 тага ёки 44,7 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

## Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Худудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (120 та ёки 13,1%), Қибрай тумани (89 та ёки 9,7 %), Юқоричирчиқ тумани (76 та ёки 8,3 %) ва Ангрен шаҳри (70 та ёки 7,7%) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Бекобод ва Бўка (6 тадан ёки 0,7 %), Оққўрғон (10 та ёки 1,1 %), Пискент (12 та ёки 1,3 %) ва Чиноз (14 та ёки 1,5 %) ҳамда Бекобод шаҳар (12 та ёки 1,3 %) ҳиссаларига тўғри келади.

### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни худудлар кесимида сони, бирликда




**Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида корхоналар улуши, %**



2019 йил январь-март ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 84 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида-27 та, Туркия Республикаси-12 та, Россия Федерацияси-11 та, Жанубий Корея Республикаси-9 та Қозоғистон Республикалари-6 та ва 19 та бошқа мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**  
(2019 йил 1 апрель ҳолатига)

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
<b>Жами</b>	<b>913</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	80	8,8
Саноат	558	61,1
Қурилиш	26	2,8
Савдо	139	15,2
Ташиш ва сақлаш	19	2,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14	1,5
Ахборот ва алоқа	1	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	11	1,2
Бошқа фаолият турлари	65	7,1

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 913 та корхоналарнинг 558 таси (61,1 %)-саноат, 139 та (15,2 %)-савдо, 80 таси (8,8 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19 та (2,1 %) -ташиш ва сақлаш, 14 та (1,5 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 26 та (2,8 %) - қурилиш соҳасига тўғри келади.



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида ҳудудлар бўйича тақсимланиши  
(2019 йил 1 апрель ҳолатига)**

Туман ва шаҳарлар	Жами	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташиш ва сақлаш	Яшаш ва овқагланиш бўйича хизматлар	Ахборот ва алоқа	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Бошқалар
<b>Тошкент вилояти</b>	<b>913</b>	<b>80</b>	<b>558</b>	<b>26</b>	<b>139</b>	<b>19</b>	<b>14</b>	<b>1</b>	<b>11</b>	<b>65</b>
<i>туман:</i>										
Оққўрғон	10	1	7		1		1			
Оҳангарон	47	6	35		2					4
Бекобод	6	2	3		1					
Бўстонлиқ	32	11	13		4		2			2
Бўка	6	1	3		1		1			
Қуйичирчиқ	22	5	12		4					1
Зангиота	120	11	50	4	36	7	1		2	9
Юқоричирчиқ	76	6	48		13				3	6
Қибрай	89	10	51	4	14	1	1		1	7
Паркент	21	2	14	1	1					3
Пискент	12	4	7		1					
Ўртачирчиқ	51	12	21	2	6	1	1	1	1	6
Чиноз	14	2	9		3					
Янгийўл	58	3	38	2	11	1	1			2
Тошкент	62	2	37		12	6			1	4
<i>шаҳар:</i>										
Нурафшон ш.	26	2	12	5	2		1			4
Олмалиқ ш.	28		16		6		2			4
Ангрен ш.	70		58	3	7					2
Бекобод ш.	12		10		0	1				1
Оҳангарон ш.	33		29		1					3
Чирчиқ ш.	65		46	3	4	1	3		3	5
Янгийўл ш.	53		39	2	9	1				2

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда**



**2019 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

